Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 19 апрель сешанба № 16 (743)

e-mail: info@press-iq.uz | www.minjust.uz

Ҳуқуқий тарғибот:

адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизда Конституциямиз асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган самарали тизим яратилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

“Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият”

мавзуида республикамиз бўйлаб ҳуқуқий саводхонлик ойлиги тадбирлари ўтказилмоқда

ИНСОН ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини таъминлаш соҳасида адлия идоралари ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда.

Маълумки, жамият ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг асосини ҳуқуқий тарғибот фаолияти ташкил қилади. Шу маънода жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бевосита адлия органлари ва муассасалари томонидан инсон ҳуқуқларига оид 4737 та ҳуқуқий-тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларга асосан қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар жалб қилинди. Бу тадбирларнинг аксарияти қишлоқ жойларида ўтказилгани эътиборга молик.

Шу ўринда оммавий ахборот воситаларининг фуқароларимиз ҳуқуқий тафаккурини оширишдаги роли ва ўрни ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Адлия органлари ва муассасалари томонидан 2011 йилнинг январь, февраль ва март ойларида марказий ва маҳаллий телевидение, радио, газета ва журналлар орқали инсон ҳуқуқларига оид 864 марта чиқишлар қилинди.

Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”**ги Қарори асосида тасдиқланган **“Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!”** деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари Дастурида Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Адлия вазирлигига **“Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият”** мавзуидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлиги тадбирларини уюштириш вазифаси юклатилди.

Айни пайтда мазкур ҳуқуқий саводхонлик ойлиги тадбирларини ўтказиш бўйича Адлия вазирлиги томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Республикамизнинг вилоят, туман ва шаҳарларида шу йўналишда олиб бориладиган тадбирларда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ва келгусида қилинадиган ишларга асосий эътибор қаратилиши кўзда тутилган.

“Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзуидаги ижтимоий ролик, плакат ва тарқатма материаллар тайёрланиб, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларига етказиш ҳам режалаштирилди. Энг муҳими, бу борада ташкил этиладиган барча тадбирларни кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган таъсирчан тарзда ўтказишга жиддий аҳамият берилади.

Куни кеча Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўқитувчи-мураббийлари ва талабалари иштирокида учрашув ўтказилди. Унда сўзга чиққан Адлия вазирлиги мутахассислари, ТДЮИ профессор-ўқитувчилари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти, унинг қоидалари Ўзбекистон Конституцияси, миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топганлиги ҳақида таҳлилий фикр-мулоҳаза юритишди.

Шунингдек, тадбир давомида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моддаларини ўзида мужассам этган, ўқувчи-ёшларга содда ва равон услубда тушунтиришга мўлжалланган кўргазмалар намойиш этилди. Талабаларнинг фикрича, бундай ҳуқуқий саводхонлик кечалари уларнинг ҳуқуқий маданиятли шахс, Ватан равнақига ҳисса қўшадиган баркамол авлод бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий саводхонлик ойлигига оид тадбирлар билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида ОАВ, хусусан, марказий телевидение ва радио билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Нуқтаи назар

Тотувлик

бор жойда ҳикмат бор

ХУДДИ ОДДИЙ инсонлар ҳаётида бўлганидек, халқаро ҳаётда ёки давлатлар даражасида аҳил оила мақомига эришиш осон эмас. Бунинг учун миллий сиёсат юритишда холислик ва ҳақконийликдан ташқари қатъиятлилик ва изчиллик ҳам зарур. Агар озгина эътиборсизлик қилинса, оқибати бутун жамият барқарорлигига зарар етказади. Ҳозир жаҳоннинг турли минтақаларида миллий-этник ҳамда диний низолар бўлиб турибди. Бир миллатнинг бошқа миллатга зулми ва зўравонлиги оқибатида ҳатто мудҳиш қатлиомлар юз бермоқда. Баъзан XXI асрда шундай ваҳшийликлар бўлаётганига ишонгинг келмайди. Дунё нотинч, халқлар безовта, баъзи давлатлар ва халқларда эртанги кунга ишонч йўқ. Ана шундай пайтда ҳаммасини кўриб-билиб, кузатиб, ақл-идрок билан фикр-мулоҳаза юритамиз ва Ўзбекистон деган тинч, аҳил оилада яшаётганимизга минг бора шукроналар айтамиз.

2

Экология ва ҳаёт

Кислотали ёмғирлар

4

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Парламент назорати

манфаатлар мувозанатини таъминлайди

ҲАР ҚАНДАЙ давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга эришишда парламент назорати алоҳида ўринга эга. Парламент назоратида эса, сиёсий партияларнинг парламентдаги ўз фракциялари, яъни вакиллари орқали амалга оширадиган назорат фаолияти асосий ўрин тутади. Айнан шу жиҳатдан қараганда, Президентимизнинг палаталар қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган таклифлар давлат ҳокимияти органлари, хусусан, ижро ҳокимияти фаолиятида амалдаги қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда уни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

ПАРЛАМЕНТ назорати функциясининг аҳамияти шундаки, **биринчидан,** қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш, **иккинчидан,** қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш, **учинчидан,** мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, **тўртинчидан,** тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, **бешинчидан,** давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз амал қилиш масъулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

Шу жиҳатдан олганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган парламент назорати нафақат қонунларнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, балки ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да билдирган ташаббусига мувофиқ тайёрланган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан охирги босқичда қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”**ги Қонуни сайловларда ғолиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги янгича Конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ҳамда парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид қатор масалаларни ўзида мужассам этган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали, энг аввало, ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамаси фаолияти, унинг ташкил этилиши, жавобгарлиги, Бош вазирнинг тайинланиши ва ҳукматнинг парламент билан ўзаро муносабатлари, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш тартиби билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ асосда конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда. Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши, фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган, яъни муайян гуруҳ фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаловчи сиёсий партияларнинг ролини ошириш ҳамда Қонунчилик палатаси ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашга қаратилган янги қоида сифатида мустаҳкамланади. Қолаверса, ушбу норманинг амалда қўлланилиши мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларга ижро ҳокимиятининг марказий органи ҳисобланган Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

Бош вазир ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан “ишончсизлик вотуми” билдириш ҳақидаги масаланинг таклиф этилиши ривожланган демократик мамлакатлар давлат бошқарувининг конституциявий-ҳуқуқий амалиёти бўлиб, ушбу қоиданинг амалга киритилиши орқали Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг жамоатчилик, яъни парламент олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини оширишга хизмат қилади ҳамда ҳокимиятларнинг “ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш” принципининг амалда татбиқ этилишига кенг шарт-шароитлар яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига тузатишлар киритиш таклиф этилаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78- ва 93-моддаларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари мужассамлашган 78-моддасидаги 15-бандни **“мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш”** деган сўзлар билан тўлдириш лозимлиги бўйича билдирилган таклиф мамлакатимиз парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш орқали давлат ҳокимияти тизимида ўзаро бир-бирини тийиш ва мувозанат сақлаш принципининг янада самарали амалга оширилишини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Мазкур ўзгартиш киритилиши орқали Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитишдан иборат парламент тинглови институтининг миллий қонунчилик негизи яратилиши таъминланади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, Асосий қонунимизга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга хизмат қилади. Парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш эса, шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил сифатида майдонга чиқади.

Олим ҲУСАНБОЕВ,
юридик фанлар номзоди

Депутат минбари

Ёшлар – келажагимиз таянчи, эртамиз эгаси

Уларнинг соғлом ва баркамол улғайиши Ватан қудрати, миллат шавкатида муҳим мезондир

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”, деган эзгу ниятлари мамлакатимизда яшаётган ҳар бир олижаноб инсоннинг қалб аъмолига айланган, десам мублағ бўлмайди. Чунки ўз фарзанди камолини, бахтини кўришни орзу қилмайдиган ота-она топилмаса керак. Бироқ “Ҳолва, деган билан оғиз чучимайди”, — деганларидек, фақат орзу-ниятнинг ўзи билан бу масала ҳал бўлиб қолмайди.

Зиёвиддин МАНСУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

МАМЛАКАТИМИЗДА бахти бутун, дунёқараши етук, тафаккури ҳар жиҳатдан шаклланган — том маънодаги баркамол авлодни тарбиялаш ҳамиша диққат-эътиборда бўлиб келмоқда. **“Таълим тўғрисида”**ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2008 йилнинг “Ёшлар йили”, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили”, деб эълон қилиниши, ўтган — “Баркамол авлод йили Давлат дастури” ижроси доирасида ёшлар манфаатлари учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганлиги бу борадаги ишлар кўламига яққол кўзгу бўла олади. Яна бир эътиборли жиҳати — Дастур доирасида ёшларда “оммавий маданият” ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан “экспорт” қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинганлигидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар манфаатлари ҳимоя қилинишидан келиб чиқиб, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг энг муҳим шартларидан бири — мазкур масалага дахлдор бўлган муҳим қонунларни қабул қилиш, ёшлар томонидан эса қонунларни пухта билиш ва уларга сўзсиз итоат қилишдир. Чунончи, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг биринчи галда, ёшларни носоғлом турмуш тарзидан халос қилишдир. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 30 сентябрдаги **“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуни фикримизга мисол бўлади. Мазкур Қонун қабул қилиниши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил ҳордиқ чиқариш муассасалари раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиши масаласида жавобгарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.



3

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидагиларни эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган **"Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонига асосан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг ижросини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришни таъминлаш мақсадида:

янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги;

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланганлиги;

кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Ушбу вазифалар ижросини, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишига қарши ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги қарорига асосан адлия органларида кўп каналли телефон алоқасининг махсус линияси — **"Ишонч телефони"** ташкил этилди.

Адлия органларининг "Ишонч телефони"га мурожаатлар бутун Ўзбекистон ҳудудида "008" телефон рақамига қўнғироқ қилиш йўли билан амалга оширилади. Қўнғироқлар бепулдир.

"Ишонч телефони" орқали мурожаатлар душанба кунидан жума кунигача (жума куни ҳам) соат 09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача адлия органларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилинг. Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	(371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	(361) 008, 223-71-93
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси	(371) 008, 262-92-42
Андижон вилояти Адлия бошқармаси	(374) 008, 222-30-89
Бухоро вилояти Адлия бошқармаси	(365) 008, 223-21-20
Жиззах вилояти Адлия бошқармаси	(372) 008, 771-64-71
Навоий вилояти Адлия бошқармаси	(436) 008, 223-01-38
Наманган вилояти Адлия бошқармаси	(369) 008, 226-51-93
Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси	(366) 008, 233-04-62
Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси	(367) 008, 225-09-69
Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси	(376) 008, 223-26-84
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси	(371) 008, 280-50-96
Фарғона вилояти Адлия бошқармаси	(373) 008, 224-15-49
Хоразм вилояти Адлия бошқармаси	(362) 008, 226-65-50
Қашқадарё вилояти Адлия бошқармаси	(375) 008, 223-01-64
E-mail	info@minjust.gov.uz

Юристлар малакасини ошириш марказида

ўқув-семинар

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ тизимида фаолият юритаётган ҳисобчи ва иқтисодчилар учун **"Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги тизимида ҳисоботларни тўғри тузилиши ва бухгалтерия ҳисобидаги долзарб масалалар"** мавзуида ўқув-семинари ташкил этилди.

Ўқув-семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бош ҳисобчилари, иқтисодчилари ҳамда Суд департаментининг ҳудудий бошқарма бош ҳисобчилари иштирок этдилар.

Ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Газначилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг етакчи ходимлари ва Республика юристлар малакасини ошириш марказининг масъул ходимлари маъруза қилдилар.

Ушбу ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Газначилиги амалиёти тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, янги тартибдаги тузилаётган ҳисоботлар ва уларни расмийлаштириш, ўз муддатларида тўғри тошириш таъминлаш ҳамда архитектура ва қурилиш соҳасидаги долзарб масалаларни мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари билан биргаликда ўрганилди.

(Ўз мухбиримиз)

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Нуқтаи назар

Тотувлик

бор жойда ҳикмат бор

Келинг, яхшиси, бутун бир давлат даражасидаги оилада ахиллик қандай таъминланаётганини аниқ мисолларда асослаб беришдан олдин оддий бир оиладаги ҳаётий аҳволга назар ташлайлик. Оила аъзолари сони оз ёки кўп бўлиши мумкин — бу муҳим эмас. Ахиллик асосан оила бошлиғининг тутган йўлига боғлиқ. Оила аъзоларининг ҳар бири билан жиддий шуғулланишда, айниқса, фарзандлар тарбиясида қатъиятлилик ва керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатишда, тўғрилик, холислик ва ҳаммага бирдай муносабатда бўлишда, берган ваъдасининг устидан чиқишда оила бошлиғи зиммасидаги масъулият жуда катта. Агар бошлиқ ана шу масъулиятдан келиб чиқиб оилани бошқаришда маҳорат кўрсатса, сўзсиз, бундай оилада ахиллик таъминланади. Акс ҳолда эса оилада парокандалик ва бошбошдоқлик ҳукм суради, қабоҳат устунлик қилиб, мудҳиш воқеалар юз беради. Буни халқаро ҳаётда ҳам кўриб турибмиз. Ҳокимият ёки қандайдир манфаат учун курашиб, мақсадга эришгандан кейин давлатни ҳам, халқни ҳам бошқара олмай шарманда бўлаётганлар оз эмас. Бундай раҳбарлар нафақат халқнинг шўри, балки давлатнинг, Ватаннинг ва миллатнинг шаънига доғ тушираётган мунофиқлардир. Халқни алдаб бўлмайди. Осиё ва Африкадаги айрим давлатларда бугунги кунда юз бераётган турли низоларга ҳам шу нарса сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда ахилликни таъминлаш жуда кенг қамровли жараён. Қуруқ ваъдалар бу жараённинг ўрнини боса олмайди. Ҳар бир ваъданинг ижросини таъминлаш изчиллик ва қатъиятлилик кўрсатишни, зарур бўлса, кескин чоралар кўришни, ғаразгўй ғанимларни доғда қолдиришни тақозо этади. Бугунги Ўзбекистон ахил оила эканлиги билан фахрланар эканмиз, мустақилликнинг ўтган йилларида бу борада учраган синовлардан муваффақиятли ўтганимизни эсламасак бўлмайди.

Бузғунчи кучлар ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирлари ва мустақиллик арафасида Ўзбекистонни миллий-этник низолар ўчоғига айлантириш мақсадида не-не бало-қазоларни уюштиришмади, дейсиз. Ҳаммасини сабр-қаноат, бағрикенглик, меҳр-оқибат кўрсатиш, ёмонликка яхшиликни қарши қўйиш билан даф этдик. Биз журналистлар ўша иғволарга учиб юртимиздан кўчиб кетган бошқа миллат вакиллари ҳузурига бориб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олиб, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш билан иғвогарларга зарба бердик.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 август куни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясида эълон қилар экан, қўшни ва қардош халқлар билан алоқаларнинг ғоятда мустаҳкамлигига тўхталиб шундай деганди: **"Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон халқлари билан минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм-қариндошлиги, умумий орзу-умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир-биридан ажратолмайди".** Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ нафақат юқоридаги қардош халқлар, балки юртимизда яшаётган барча миллатлар ва элатлар манфаатларига хизмат қиладиган йўлни танлади. Бу одамларнинг шахси, ҳақ-ҳуқуқлари, миллий қадриятлари, урф-одатлари, дини ва иймон-эътиқодлари, тарихи, тили, маданияти, дунёқарашлари ва бошқа эркинликларини кафолатлайдиган йўл эди. Юртбошимиз Ўзбекистон деган оиланинг бошлиғи сифатида аввалбошданоқ бу йўлда қаттиқ турди. Гап сўз ва иш бирлигини таъминлаш ҳақида борар экан, Президент Ислом Каримов 1991 йил 18 декабрь куни "Халқ сўзи" газетасига берган интервьюсида айтган қуйидаги гаплар бугун ҳам ахил оилани мустаҳкамлашга куч бағишлаётган ҳикматдек эзгулик йўлини ёритиб турганлигига ишонч ҳосил қиласиз: **"Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун, миллатлараро чидам ва бардош каби кучли илдизлар керак. Шунда у ҳар қандай шамол, довул, бўронларда йиқилмайдиган бўлиб улғаяди. Зеро, миллат севгиси ва эъзози қадар улуғ мукофот йўқдир. Бу мукофотга сазовор бўлишнинг бирдан-бир йўли — ўзга дин, ўзга миллатни таҳқирламаслик. Бу фаровон, тўкин кун кечириш учун яккаю ягона, тўғри ақл-идрокли, иймон-эътиқодли йўлдир".**

Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг, Юртбошимиз ўшанда нега тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ўзга миллатни таҳқирламасликка алоҳида урғу берган эди?! Эсланг, ўшанда атрофимизда, умуман, собиқ иттифоқ ҳудудида воқеалар ривожи дахшатли тус олаётганди. Чегараларимизга яқин жойларда пайдо бўлаётган фуқаролар уруши, бироз вақт ўтиб юз берган Ўзган воқеаси, қўшнилар ҳудудидаги толибонлар хуружи, Тоғли Қорабоғ можаросининг газак олиши, жангариларнинг Шимолий Кавказдаги қонли хуружлари, бунинг устига оммавий ахборот воситаларидаги очиқ-ойдин миллатчилик ва шовинистик руҳидаги чиқишлар миллий масалада ҳар бир қадамни ўйлаб босишни, ҳар бир сўзни ўйлаб айтишни, ҳар бир қарорни ўйлаб қабул қилишни тақозо этарди. Ўшанда Ўзбекистон раҳбари бу борада ҳамиша оқилона йўл тутганлигини эҳтимол ҳамма ҳам англаб етмагандир. Бироқ, ўзимизда ҳам, четда ҳам буни ақл билан идрок этганлар бўлди. Мана, сизга аниқ бир мисол. 1995 йилнинг июль ойида "Век" газетаси мухбири Андрей Михайлов Кизляр шаҳрида миллий масалада жаҳонга танилган бир олим билан суҳбат ўтказади. Газетада босилган бу суҳбатни "Халқ сўзи" газетаси ўзининг 1995 йил 2 август кунги сонида тўлиқ кўчириб босди. Ундан фақат бир савол билан бир жавобни келтириб ўтамиз. Гап собиқ иттифоқ ҳудудида кучайиб бораётган миллий-этник низолар ва уларнинг олдини олиш ҳақида борар экан, мухбир олимдан сўрайди: **"Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурларингизга мос келадиган одам борми?" "Бор. У — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов!** — дейди олим ва сўзида давом этади: — **СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар XXI аср Ўзбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради".** Миллий-этник низоларнинг олдини олиш борасида Ўзбекистон ўтказаётган сиёсат ўтган йилги Ўш ва Жалолобод воқеаларида яна бир бор синовдан ўтди. Буни БМТ ҳам, жаҳондаги бошқа халқаро ташкилотлар ҳам, кўплаб давлатлар ҳам эътироф этишди.

Ўзбекистондаги бугунги миллий тотувликни, турли миллатлар ва элатлар вакилларининг бир ахил оила фарзандларидек ҳамкор, ҳамфикр бўлиб фаровон ҳаёт кечираётганликларини, Ватан шаънига ҳамма учун бирдай муқаддас эканлигини кўриб, қалбингиз қувончга тўлади. Бироқ бунга эришиш осон бўлмади. Гап фақат ички тинчлик ва тотувликни, фаровон ҳаёт ва тўкин-сочинликни таъминлаш ҳақида бормаяпти. Ташқарида Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларга ҳавас қилувчилар билан бирга ҳасад қилувчилар ҳам бор. Мен ўша олим башорат қилиб айтган 1995 йилдан кейин ҳам ташқи вазиятни диққат билан кузатдим. Бизга нисбатан турли миллатлар ва элатларнинг, динлар ва диндорларнинг эркинликлари билан боғлиқ ғирт туҳматдан иборат иғволар тўхтамади. Демократия ва эркинлик деган ниқоблар остида тошлар отилиб, тамғалар босилди. Ҳасадгўйларнинг нияти шуки, юртимизда нотинчлик юз берса-ю, Ўзбекистон паноҳ излаб кимнингдир қўлтиғига кирса. Буни кўп йил кутишди. Эҳтимол, ҳали ҳам бу ниятдан қайтишмагандир.

Ўзбеклар Марказий Осиёда сон жиҳатидан бошқалардан кўп бўлган миллат. Собиқ иттифоқ пайтида ўзбеклар аҳоли сони жиҳатидан руслар ва украинлардан кейин учинчи ўринда турар эди. Ҳозир бизга қўшни бўлган давлатларнинг ҳар бирида камида бир миллиондан ортиқ ўзбеклар яшайди. Қўшни Афғонистонда эса улар бир неча миллиондан ошади. Уларнинг ҳаммаси қадимдан ҳозирги жойларида яшаб келишган. Бироқ ҳеч қачон бошқаларга нисбатан устунликни даъво қилмаган. Аксинча, тенглик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни, хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш учун курашиб келяпти. Ўз давлатида миллатлараро тотувликни таъминлаб, Ўзбекистонни ахил оилага айлантира олган Юртбошимиз бутун Марказий Осиё минтақасида ана шундай муҳитни яратиш юзасидан амалий таклифлар ҳамда ташаббуслар билан чиқяпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош Ассамблеяси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, НАТО/СЕАПнинг Бухарест кенгаши, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро минбарларда Ўзбекистоннинг таклифлари ҳамда ташаббуслари жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортди.

Халқаро ҳаётни кузатиб бораётган бир инсон сифатида айтмоқчи бўлган фикрим шуки, давлатлар ва уларнинг раҳбарларига, халқлар ва уларнинг турмуш тарзларига, ўзгариб турган вазиятлар ва уларнинг оқибатларига, давлат арбобларининг ваъдалари ва уларнинг амалдаги хатти-ҳаракатларига, ўзгаларнинг ҳакамлик даъволари ва уларнинг оҳ-воҳларига баҳо беришда ҳеч қачон шошмаслик керак. Барча жиҳатларни қиёслаб, чуқур ва атрофлича фикр-мулоҳаза юритиб, жаҳон миқёсида одилона мезонлар назоратидан ўтказиб, сўнг хулоса чиқариш лозим. Эътибор беринг, сохта эркинликка эрк бериб ўз билганларича ҳаракат қилаётган давлатларда миллий-этник ҳамда диний низолар кучайиб боряпти, кам сонли миллатлар камситиляпти ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этиляпти, энг ёмони, бегуноҳ одамлар нобуд бўляпти, аёллар, қариялар, ёш болалар азоб тортяапти. Бунга ҳозир мисоллар жуда кўп. Баъзан бундай ҳолатларга баъзи бировларнинг лоқайд муносабатларини кўриб: "Ана сенга эркинлик ниқобидаги зўравонлик!" деб юборгингиз келади. Бировнинг эркинлиги ҳисобига бошқа бировларга озор етмаслиги керак.

Ўзбекистон халқи бағри кенг халқ. Турли миллатга мансуб юртдошларимиз ҳаётида ўгай нарсанинг ўзи йўқ. Миллий қадриятлар шу даражада уйғунлашиб кетганки, бирлик деган тушунча катта куч-қудратга айланган. Бу куч-қудрат эзгуликка хизмат қилади. Илоё, юртимиздан миллий тотувлик ва ахиллик, тинчлик ва барқарорлик, бунёдкорлик ва фаровонлик ҳеч қачон аримасин. Садағанг кетай, бағри кенг халқим!

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Шарх

Хатларда ҳаёт нафаси

- *"Миннатдорчилигимизни етказиб қўйинг"*
- *Отам касаллиги сабабли...*
- *Муаммога эътибор қаратилди.*

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА келаётган мақола, хабар ва лавҳаларда улкан ишлар ўз аксини топмоқда. Газетамиз ҳуқуқий нашр бўлганлиги учун таҳририятимизга адлия тизимида фаолият кўрсатаётган мутахассислардан долзарб мавзулар ёритилган кўплаб мақолалар келади. Жумладан, Амударё тумани ФХДЁ бўлими мудири Норгул Кўчқорова "Ёш оилалар истаги" деб номланган мақоласида шундай ёзади: "Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти унинг эркин ва тенглик принципи асосида вужудга келишини таъминлаш билан бирга, оила барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлайди".

ГАЗЕТАГА судья ва прокурорлар ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари хусусидаги ўз фикрларини мунтазам жўнатиб турадилар. **Қашқадарё вилояти хўжалик суди судьяси Акром Тўракулов**нинг мақоласи "Маҳсулот сифати ва миқдори" деб номланади. У: "Тадбиркор ва кичик бизнес субъектлари ҳамда уларга боғлиқ корхоналар равнақ топса, бозорлар маҳсулот ва хизмат турлари билан бойийди", дея алоҳида таъкидлайди.

Таҳририят почтасига келган **Х.Файзиев, И.Қўзиев** ва **Б.Ғаффоров**ларнинг мақолаларида ҳам юқоридагидек тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари ҳақида сўз боради. Эътиборлиси, мутахассислар ёш тадбиркорлар учун бизнес режаларни тузишда ҳуқуқий маслаҳат берган.

Таҳририятимизга ҳар куни юртимизнинг турли манзилларидан шикоят хатлари ҳам келади. Уларнинг асосий қисми тегишлилиги бўйича мутасадди идораларга юборилади. Айрим шикоят хатлари юзасидан таҳририят журналистлари жойларга чиқиб журналист текширувларини ўтказади ва мақолалар тайёрлайди. Бир сўз билан айтганда, бирор мурожаат таҳририят эътиборидан четда қолмайди.

— 3 нафар фарзандим учун отасидан алимент олиб турардик, — деб ёзади **сирдарёлик Гулжаҳон Мамарасулова.** — 2010 йил январь ойидан оладиган алиментимиз тўхтаб қолди. Республика Суд департаментининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасига ариза билан мурожаат қилдик. Уларнинг аралашувидан сўнг яна алимент ола бошладик. "Инсон ва қонун" газетаси орқали оиламиз номидан уларга миннатдорчилик билдириб қўймоқчи бўлдик.

Деярли ҳар куни фуқаролар турли масалаларда ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишади. Газетамизнинг "Савол-жавоб" рукнида ана шу саволларга ҳуқуқшунослар жавоб бериб боради.

"Васиятнома қандай расмийлаштирилади?" деб номланган мақоланинг муаллифи **Бухоро шаҳар 1-давлат нотариал идораси нотариуси Маҳфуза Сатторова** фуқаро Азизбек Азизовнинг "Отам касаллиги сабабли юра олмайди, икки оёғи ва бир қўли ишламайди, муомалага лаёқатли, бироқ саводли эмас. Бу ҳолатда нотариал идорага отамни олиб боришнинг иложи йўқ. У ўз эгалигида бўлган уй-жойини укамга васият қилмоқчи. Бундай пайтда васиятномани қандай расмийлаштирса бўлади?" деган саволига жавоб ёзган:

"...Агарда васият қолдирувчи жисмоний камчиликлари ёки саводсизлиги оқибатида ўз қўли билан васиятномани ёзиш ва имзо қўйиш имкониятига эга бўлмаса, бундай ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширувчи нотариус томонидан васият қилувчининг сўзлари ёзиб олиниб, васиятнома компьютердан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин, васиятномани васият қилувчининг топшириғига кўра, васият қилувчининг ўзи, нотариус иштирокида ўзга фуқаро имзолаши мумкин. Бунда васият қолдирувчининг шахсан ўзи имзолай олмаслиги сабаблари кўрсатилиши лозим".



Вилоятлардаги мухбирларимиз жойлардаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида мақолалар ёзиб, газетхонлар эътиборига тушмоқда. **Сурхондарёлик мухбиримиз Собир Ёдиков** навбатдаги мақоласини "Дори дегани дармон бўлаяптими?" деб номлаган. Журналист дори савдоси билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратган бўлса, хоразмлик мухбиримиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Абдулла Собиров** ва тошкентлик мухбиримиз **Гулсум Шодиева** ҳам бу борадаги кўзга ташланган айрим камчиликлар хусусида қалам тебратишган.

"Ҳуқуқий экспертиза" номли мақола муаллифи **Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хайрулло Сабиров** шундай ёзади:

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланган".

Ана шундай ҳуқуқий мавзудаги мақолаларни Суд департаменти Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ходими **Шерзод Абдураҳмонов**, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси **Жўрабек Раҳмонов**, Термиз ҳарбий суди раиси **Ботир Иноятов**, Гулистон шаҳар Никоҳ уйи мудири **Гулҳаё Расулова** ҳам юборишган.

Таҳририятимизга **К.Қодиров, И.Бобокулова, Л.Қодиров, Х.Аҳмаджонова, И.Султонов, М.Солиев** каби фаоллар ҳам турли мавзулардаги қизиқарли мақолаларини йўллашган. Жамиятимиз ҳаётига масъуллик ҳисси билан ёндашиб, у ёки бу мавзуда бизга мақола йўллаган газетамиз муаллифлари ва ихлосмандларига таҳририятимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Сиз азиз газетхонлардан далилларга бой, таҳлилий мақолаларни кутиб қоламиз.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ёшлар – келажагимиз таянчи, эртамиз эгаси

Уларнинг соғлом ва баркамол улғайиши Ватан қудрати, миллат шавкатида муҳим мезондир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг қарор топишига ёмон таъсир қилувчи омиллардан бири алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг кенг истеъмол қилинишидир. Ичкиликка ҳаддан ташқари ружу қўйганлиги оқибатида ҳар йили Ер шари аҳолисининг қарийб 2,5 миллиони ҳаётдан бевақт кўз юмаётгани, улар орасида ҳали ўттиз ёшга етмаганлари 320 минг нафарни ташкил қилаётгани ачинарли ҳолдир.

Тамаки тутуни таркибида ўта кучли заҳарли моддалар борлиги, тахминларга кўра 1 гр. никотин отдай кучли жониворни нобуд қилишини, шу боис ҳам ҳар 6-7 сонияда 1 нафар инсон кашандалик оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганини, бу кетишда яна йигирма йилдан сўнг ҳар йили 8,5 миллионга яқин одам кашандалик қурбонига айланиш эҳтимоли борлигини хаёлга келтирадиган бўлсак, кўз олдимизда даҳшатли манзара намоён бўлиши табиий. Агар инсон ўсмирлик даврида ҳар қандай таъсирга, берилувчан бўлишини, бунинг оқибатида, алкоголь ва тамаки сингари хавфли хатарлар домига илиниши осон кечишини, бундан нафақат унинг ўзи ёки оиласи, балки бутун жамият зарар кўришини назарда тутадиган бўлсак, бу хатарли ҳодисага бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги янада равшанроқ аён бўлади. Шу боисдан ҳам янги қабул қилинаётган **"Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"**ги Қонун ёшлар онгида соғлом турмуш тарзи қарор топишида муҳим ўрин тутади.

Мамамлакатимизнинг вилоят, шаҳар, туман марказларида, шунингдек, чекка ҳудудларда ҳам қад ростлаётган маданий, спорт-соғломлаштириш масканлари ёшлар онгида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида муҳим омил бўлаётгани ҳар қандай кишини қувонтириши табиий. Яқинда ўзим сайланган Тўрақўрғон туманида бўлиб, сайловчиларим билан учрашувлар жараёнида ёшлар учун қурилган муҳташам замонавий сузиш ҳавзасини, шунингдек, ғоятда маҳобатли ва мафтункор кошона — санъат илмлари масканини кўриб, чин дилдан яйрадим, галдаги муддао — полвонлар макони бўлган мазкур гўшада кураш мактаби шароитларини янада яхшилаш эканини билиб, бу ишга ўзим ҳам тегишли ёрдамимни аямасликни дилимга тугиб қўйдим. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай эзгу, хайрли ва олижаноб ишларда тадбиркорлар, ишбилармонлар, сармоядорлар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганлиги қувонарли ҳол. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ҳам бундай олижанобликлар давом этишига шубҳа қилмаса бўлади.

Ёшлар онгида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек умумдавлат миқёсидаги масалага партиямиз Дастури ва фракциямиз нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Дастурда ҳақли равишда белгилаб қўйилганидек, "Партия миллий ғурурсиз ва миллий анъаналар қўллаб-қувватланмасдан келажак йўқ, деб ҳисоблайди.

Хавотир

Ҳовли остонасидаги қуюн

Эркинман деб ҳар қандай номақбул ишларни қилиш маданиятлилик саналадими?

СИЗГА сир эмас, Ғарбни қартайтириб, донишманд Шарқ болалари хаёлини бузишга улгурган янги қиёфадаги эътиқод — "Оммавий маданият" ҳаётимизга кириб келмоқда.

БУ ИЛЛАТНИНГ бугунги авлод руҳиятига етказаётган жароҳатлари аждодлари бошидан кечирган қайғули хотираларидан асло кам эмас.

Бир вақтлар ҳар нарсанинг чегараси борлигини билган жамиятлар бугун соғлом муҳитнинг издан чиқишига сабаб бўлаётган омилларнинг ҳаддан зиёдлигидан карахт аҳволда.

Дунёга бир назар ташлайлик: илоҳиётшунос олим Тимоти Ж.Уинтернинг ёзишича, Британияда болаларнинг 34 фоизи никоҳсиз туғилмоқда. Агар шу жараён давом этса, келгуси 20 йил ичида британиялик болаларнинг ярмидан озроғигина ота-она тарбиясини олади. Кишилик жамиятининг асоси бўлган оилани кераксиз матохдек улоқтириб ташлаётган "замонавий" жамиятларнинг келажагини аслида бундан ортиқ тасаввур қилиш ҳам қийин.

Бугунга келиб тараққиётнинг юксак поғонасига чиққан, бойлик, шахсий манфаат учун ҳар нарсадан кечганлар, эгоцентризмни байроқ қилганлар энди унинг хунини тўлаш мавриди келганлигини ҳам яхши англай бошлашди. Маданий қадриятлар, миллий асотирлар, ота-боболари азиз билган анъаналарни, туйғуларни сафсата деб билганлар кўзга кўринмаётган умидсиз келажакка қараб, руслар таъбири билан айтганда "адашган ўғил" ҳолига тушиб қолганликларини тобора чуқурроқ ҳис қилмоқда.

Ўз навбатида ҳаёт ҳақиқатлари ишратпарастликни авж олдириш, феминистларча никоҳни қўлдорликка менгзаш, фидойилик, меҳр-оқибат туйғуларидан кўра моддий манфаатни устун қўйиш тушунчалари ва бу тушунчаларни замон талаби деб ёйиш жамиятларни емирадиган маънавий инқирозга олиб келиши рўй-рост бўлиб қолди. Эр ва хотиннинг дастурхон атрофида ўз жазманлари ҳақидаги одатий мулоқотлари, ёшгина қизнинг бегона йигитни оиласига олиб келиб, у билан ишқий муносабатга киришиши, "эркинлик, демократия", дея бир жинсдаги шахслар никоҳини ҳимоя қилиб кўчага байроқ кўтариб чиқишлар... бугунги ғарб кишиси учун одатий ҳол. Эскидан қолган бир гап борку, "Экканингни ўрасан"...

Бироқ, энг ачинарлиси, бу тарғиботга "маданият" рутбаси кийдирилиб, оламга дунёвий эътиқод сифатида тиқиштирилаётганидир. Ўз ўрнида бу ниқоб яккаҳокимлик, яъни гегемонлик қутқусидан қутула олмаган кучларга янада қўл келди. Манфаатдор кучларнинг таъсир доиралари кенгайди. Шулар таъсири ўлароқ, "оммавий маданият" салафлари бугун барчани ўзларидек юришга, яшашга, ўйлашга, фикрлашга чорламоқда. Ҳеч қандай анъанани тан олмайдиган тўдалар дунёга кириб келмоқда. Оддийгина айтганда, манқуртлар тарбияланмоқда. Ушбу маданият урпоғига беланган авлод бугун ҳеч тортинмай, ота-она юзига тик боқади. Эркинликни ҳар нарсани қилиш мумкин, деб тушунади. Бойликни умр мазмуни деб ўйлайди. Аслида ҳам ана шу жўн кўринган ҳодисалардир "оммавий маданият"нинг турмушимизга қилаётган хуружи...

Яқинда бир нашрда таниқли кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг бу борадаги фикрларини ўқиб қолдим, "Эллигинчи йиллар Америка фильмларига назар ташланг. Уларда ўпишиш саҳнасини кўрмайсиз. Бу ҳол олтмишинчи йилларда кириб келганида Американинг бир қанча сиёсатчилари-ю сенаторлари "бунга асло йўл қўйиб бўлмайди, биз халқимизни бузамиз. Эртага бизда қадрият деган нарса қолмайди. Энг ёмони оила яхлитлигига путур етказамиз", деб роса эътироз билдирган. Уларнинг қай даражада ҳақ эканлигини бугун кўриб турибсиз. Аста-секинлик билан 1970-80-90 йилларга келиб, бу манзаранинг бошқача қопқалари очилиб борди. Эртага бизда ҳам ана шу ҳолат рўй берса сира ажабланмайман..."

...Сесканиб кетдим. Режиссёрнинг фикрларига кўнглимда эътироз туғилди. Бизда бундай бўлмайди. Бу ҳолга йўл қўйилмайди, дедим. Аммо... "Оғзидан чиққан гапни қулоғи эшитмаётган", бачканаликни кулгу деб ўйлаётган киноасарларни кўрдим... Ёшгина келин-куёвнинг ота-она олдида қучоқлашиб турганига эътибор қаратдим... Европача ҳаётга ташналик уфуриб турган, кўракда турмайдиган муҳаббат изҳорларига тўла урчиб кетган фильмларни томоша қилдим... Бир вақтлар пахта билан боғланиб қолган ўзбек халқининг дардини, ҳаётини, борлигини борича маҳорат билан кўрсата олган кўпчиликнинг наздидаги буюк актёрнинг бугунги кинолардаги (аслида кино дейишга арзимайдиган) хурмача қилиқлари-ю, бачканаликларини кўриб, уялиб кетдим...

Ҳали ўспирин қизчанинг ақлга сиғмас хатти-ҳаракатлари тафсилотлари..., неварали, ўзбекча айтганда "қайвони" момонинг, оқсоқол бобонинг ишқий саргузаштларини тарғиб қилаётган сериаллар... Кунда экранга чиқиб, ўзбекнинг лобар қизларига кўзини, лабини қандай бўяшдан бошқа нарса бера олмаётган кўрсатувлар...

Ахир, остонамизни поймол қилаётган, қуюн каби ҳовлимизгача кириб келаётган бу унсурларга муносиб жавоб бериш учун маърифатпарвар бобомиз айтганидек, "Тарбия — ё ҳаёт ё мамот" йўли эканлигига амин бўласан киши.

Баъзи бир маънавият пешволаримиз эса жамиятга кириб келаётган бу иллатларни чеклаш ўрнига, номақбул маданият тарғиботчиси бўлган тижорат киноларини, газета дўконларининг ташқи суратларини безашгагина арзийдиган газета-журналларни чиқариш билан овора... Миллат маънавияти эвазига ҳали ҳамон моддий манфаатдан ўзларини тия олмаяпти.

Агар бир сўм ўмарсанг, судда жавобгарликка тортиласан. Бу жамиятнинг ўзгармас қонуни. Аммо қийматини баҳолаб ё ўлчаб бўлмайдиган маънавиятга келтираётган зарарга, ёшлар онгини маънавий саёзлик билан тўлдираётган "этолон" жабҳаларга кўпинча эътибор қаратмаймиз. Ваҳоланки, миллат маънавиятини, қадриятларни поймол қилишга ҳеч кимга маънавий ҳуқуқ берилган эмас.

Бугун вазият шундай таранглашдики, гўё ушбу унсур инсоният патагига тушган қуртдай кундан-кун хавотирни оширмоқда. Негаки, буюк маданиятларни, тамаддунларни эврилиш нуқтасига олиб чиқаётган, бутун бир халқларни ўз домига тортаётган, анъаналарни, урфо-ниятларни топтаётган, авлодлар орасидаги ришталарни узаётган бир пайтда биз ҳам бу "маданият"ни баъзан билвосита, баъзан бевосита осонгина қабул қилмоқдамиз. Эндиликда биз ҳам "оммавий маданият" таҳдидидан холимиз дейиш ер юзида биз йўқмиз дейиш билан баробардек бир гапга дўниб қолди. Негаки, ҳозир ўртада масофалар тобора қисқариб бораётган, маданиятлар бир-бири билан муштараклашиб кетаётган дунёда яшамоқдамиз. Бу жараённинг бизга дахли йўқ дейиш, гўё ўтган асрнинг 50-йилларида Никита Хрушчёвнинг Москва атрофида ўз асарларини намойиш этаётган империонист рассомлар устидан экскаватор ҳайдатганига ўхшаш ҳодисани ёдга солади. Хрушчёвнинг бу уриниши бугунги жамиятнинг тўлақонли аъзоси учун шамол тегирмонига қарши курашган Дон Кихотнинг аянчли қисматидек, кулгули...

Юртбошимиз: **"Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамларни ташвишга солмай қўймайди"**, дея огоҳлантиради.

Дарҳақиқат, ўткинчи масалаларга маҳлиё бўлиб, ҳаётмамотга дахлдор унсурларга эътибор қилмаслик эртага катта ташвишларни, таҳдидларни келтириб чиқариши турган гап. Замонавий мафкуралар кураши кетаётган айни вақтда уларга муносиб жавоб бероладиган интеллектуал авлодни тарбиялаш лозим. Зеро, маънавият, маданият, адабиёт, санъат тамаддуннинг қаймоғи экан, унинг мақомини асраш керак. Ота-боболар ардоқлаган анъаналарни ўз ҳолича авлодларга етказиш зарур. Тарих ҳеч бир замонда енгилганларга шафқат қилмаган.

Аслиддин СУЮНОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

"Ҳуқуқ билимдонлари"

Ўсмирлар ўртасида беллашув

МАНА, уч йилдирки, Адлия вазирлиги ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари" қувноқлар ва зукколар республика беллашуви ўтказилмоқда.

МАЗКУР БЕЛЛАШУВ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган.

"Ҳуқуқ билимдонлари — 2011" танловининг навбатдаги ҳудудлараро босқичини Сирдарё вилоятининг **"Аъло"** ҳамда Самарқанд вилоятининг **"Тафаккур"** жамоалари давом эттиришди. Гулистон шаҳридаги О.Хўжаев номли драма театри биносида бўлиб ўтган беллашув баҳсларга бой тарзда кечди.

Айниқса, ёшларимизнинг мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йилнинг ноябрь ойида ўтказилган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** мавзуидаги маърузаси, 2011 йил 6 апрель кунги **"Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги Қарорига асосан **"Мустақиллик — менинг тақдиримда"** мавзуи борасида тайёрланган чиқишлари ҳакамлар ҳайъати ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Беллашув натижаларига кўра, Сирдарё вилоятининг **"Аъло"** гуруҳи ғолиб деб топилиб, финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, **"Ҳуқуқ билимдонлари — 2011"** танловининг навбатдаги ҳудудлараро босқичи пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент вилоятининг **"Адолат"** ҳамда Жиззах вилоятининг **"Қалқон"** жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Беллашув натижаларига кўра, ҳар иккала гуруҳ тенг балл асосида баҳоланган бўлса-да, филиал босқичига лойиқ деб топилмади. Тадбир сунгида, "Ҳуқуқ билимдонлари"га Адлия вазирлиги ва ҳамкорликдаги ташкилотларининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Тадбир

4-Тошкент халқаро суғурта форуми

СУҒУРТА секторини ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида бугунги кунда миллий суғурта бозори тез ва барқарор ўсиш суръатларини кўрсатмоқда. Шунингдек, унинг сифат характеристикаси яхшиланмоқда. Суғурта операцияларининг ҳажми тўхтовсиз ўсиб бормоқда, суғуртачилар эса республикамиз иқтисодиётида янада муҳим аҳамиятга эга бўлишмоқда.

ШУ ЙИЛНИНГ 14-15 апрель кунлари пойтахтимизнинг "Interkontinental Toshkent" меҳмонхонасида "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги томонидан суғурта ва қайта суғурта бизнесининг устувор вазифаларига бағишланган анъанавий 4-Тошкент Халқаро суғурта форуми ҳамда мазкур форум доирасида "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 17 йиллиги тақдимотига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Форумда миллий ва хорижий суғурта, файта суғурта компаниялари, брокерлик ташкилотлари топ-менежерлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий ва халқаро банклар ассоциациялари, лизинг, инвестицион ва аудиторлик компаниялари вакиллари, суғурта бозорини тартибга солувчиларнинг раҳбарлари, шунингдек, 20 та хорижий давлат суғурта жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Иштирокчилар тадбир доирасида Ўзбекистоннинг суғурта соҳасидаги кенг инвестициявий салоҳияти билан танишдилар. Форум, шунингдек, суғуртага миллий ва хорижий инвестициялар жалб қилинишига кўмаклашиш ва Ўзбекистон суғурта бозорини ҳамда Марказий Осиё минтақасини халқаро суғурта жамоатчилигига интеграциялашувига кўмаклашиш масаласига қаратилди.

Суғурта форуми доирасида "Олтин соябон" мукофоти совриндорларига тантанали равишда дипломлар топшириш маросими ўтказилди.

"Олтин соябон" жамоатчилик мукофоти ҳисобланиб, ҳар йили суғурта ишини ривожлантириш соҳасидаги намунали фаолият учун тақдим этилади.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Тошкент давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. **"Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи"** кафедраси бўйича — катта ўқитувчи — 1;
2. **"Давлат ва ҳуқуқ назарияси"** кафедраси бўйича — доцент — 1;
3. **"Жисмоний тарбия"** кафедраси бўйича — катта ўқитувчи — 1;
4. **"Жиноят ҳуқуқи ва криминология"** кафедраси бўйича — доцент — 1;
5. **"Ижтимоий гуманитар фанлар "** кафедраси бўйича — доцент — 1;
6. **"Фуқаролик ҳуқуқи"** кафедраси бўйича — доцент — 1; катта ўқитувчи — 1;
7. **"Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи"** кафедраси бўйича — доцент — 1;
8. **"Маъмурий ва молия ҳуқуқи"** кафедраси бўйича — доцент — 1; катта ўқитувчи — 1;
9. **"Хорижий тиллар"** кафедраси бўйича — ўқитувчи — 1 (инглиз тили бўйича);
10. **"Конституциявий ҳуқуқ"** кафедраси бўйича — доцент — 1;
11. **"Рус тили"** кафедраси бўйича — катта ўқитувчи — 1.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона.
Телефонлар: 236-09-39, 233-66-36.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 5 апрелдаги 39-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Темирйўл" адвокатлар ҳайъатининг собиқ адвокати Саибназарова Салима Абиддиновна номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнь куни берилган SA 000279-рақамли ҳамда Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд қонунчилари" адвокатлар ҳайъатининг собиқ адвокати Холиқулов Амир Худайбердиевич номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнь куни берилган SA 000123-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокатлик мақомлари тугатилди.

Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 31 мартдаги 25-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Пайзибаев Окилжон Адилджановичга 2010 йил 12 февраль куни берилган NA 000105-сонли ва адвокат Журабаев Зафаржон Тахировичга 2009 йил 28 май куни берилган NA 000100-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақомлари тугатилди.

TURKISTON BANK

Ишонч

энг юқори баҳо

РЕСПУБЛИКАМИЗ ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йил сайин ошиб бораётгани кундек равшан. Бу жараёнда "Turkiston bank" хусусий очиқ акциядорлик тижорат инвестицион банки томонидан ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳаётга татбиқ этилаётган йирик иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ҳисобга олган ҳолда кредитлаш, молиялаш ишларини йўлга қўйиш ҳамда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида инвестиция фаолиятини кенг миқёсда амалга ошириш банкнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Шу билан бирга мазкур молиявий муассаса иш йўналишини кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратганлиги аҳамиятлидир.

"Turkiston bank" томонидан кейинги йилларда бир қанча иқтисодиёт тармоқларига — маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилди. Уларнинг асосий қисмини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ташкил этади. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да микрокредит, якка тартибдаги тадбиркорларга ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга чакана савдо учун ажратиладиган кредит, шунингдек, истеъмол кредити тавсия этилмоқда.

Мамлакатимиз аёлларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида "Turkiston bank" ХОАТИБ томонидан "Энг яхши тадбиркор аёл" номинацияси бўйича танлов эълон қилинган эди. Мазкур танловда пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "NARCISO-RN" масъулияти чекланган жамияти раиси Наргиза Шарапова ғолиб деб топилди. Унинг корхонасига банк томонидан узоқ муддатли, йиллик олти фоиз тўлаш шарти билан 30 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

— Банкимиз ходимлари учун мижозларимизнинг бизга бўлган ишончи фаолиятимизга бериладиган катта баҳодир. Шунга кўра, "Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи" шиори остида меҳнат қилаётган жамоамиз томонидан жорий йилда ажратиладиган кредитлар миқдорини янада кўпайтириш режалаштирилган, — дейди банк бошқаруви раиси ўринбосари Отабек Қорабоев. — 1998 йилда фаолият бошлаган молия муассасамиз ўтган вақт мобайнида пойтахт аҳлига кўплаб хизматларни тақдим этиб, тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар миқдорини тобора ошириб бормоқда. Жумладан, ажратилган кредитлар ҳажми 2009 йилда 15,3 миллиард сўмни, ўтган йили бу миқдор 18,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу табиийки, банкнинг мавжуд иккита мини-банки ҳамда олтита махсус кассаси томонидан кўрсатилаётган намунали хизматларимизнинг самарасидир.

Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги **"Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"**ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Turkiston bank"да иш ҳақи ва турли тўловларнинг ўз вақтида тўланиши бўйича мониторинг йўлга қўйилган бўлиб, маблағлар банк томонидан ўз вақтида бериб борилмоқда.

Бугунги кунда аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш юзасидан ҳам эътиборга молик ишлар қилиняпти. Бунинг учун кўплаб замонавий хизматлар жорий этилиб, аҳоли учун қулай шартларда янги омонат турлари тақдим қилиняпти. Жумладан, "Қомус", "Устоз", "Коммунал бонус", "Бахтли болалик", "Баркамол ёшлар", "Қишлоқ фаровонлиги", "Истиқлол" ҳамда "Тухфа" сингари омонат турларидан аҳоли самарали фойдаланмоқда. Ўтган йилнинг бошида мазкур молия муассасасининг 12 турдаги омонатига жалб этилган омонатлари қолдиғи 1 миллиард 16,5 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилга келиб 1 миллиард 379,7 миллион сўмга етди. Бошқача айтганда, мазкур йўналишда аввалги йилдагига нисбатан 363 миллион сўм ёки 135,7 фоизга ўсиш кузатилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини жорий этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2010 йил 6 апрелдаги **"Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорига асосан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада банкда 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони икки мингта, хўжалик юритувчи субъектларда ўрнатилган терминаллар сони элликтани ташкил этди. Савдо ва хизмат кўрсатиш терминалларидаги тушумлар миқдори эса 1 миллиард 652 миллион сўмдан ошди. Шунингдек, 175 та корхона ва ташкилотга иш ҳақи пластик карточкалар орқали ўтказилиб, 1661 нафар ходим пластик карточка билан таъминланди.

Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида "Netl Universal Tehnologies AG" хорижий корхонаси билан тузилган шартномага биноан жойларда кўплаб "Fast-Pay" — Инфокиоск ва банкоматлар ўрнатилди. Бу эса, ўз навбатида, пластик карточкалар эгаларига тўловларни амалга оширишда қатор қулайликлар яратиш билан бирга мижозларга тезкор хизмат кўрсатишда ҳам муҳим омил бўлаётир.

Келгусида ҳам банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига кредитлар ажратишни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Банк матбуот хизмати

Кислотали ёмғирлар

Бу ҳақда нима биласиз?..

"КИСЛОТАЛИ ЁМҒИР" атамаси илк бор 1872 йили инглиз тадқиқотчиси Роберт Смит томонидан муомалага киритилган. Манчестер шаҳрида тутун, қурум, кул заррачалари, чанг, ёнилғи буғи кабилар аралашмасидан иборат заҳарланган ҳаво унинг эътиборини тортган. Ўша давр олимлари унинг кислотали ёмғирлар мавжудлиги ҳақидаги назариясини рад этган бўлсалар-да, бугунги кунда кислотали ёмғирлар қўплаб ўрмонларга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига салбий таъсир қилмоқда.

Бундан ташқари, кислотали ёмғирлар бинолар ва маданият ёдгорликларини емиради, автомобилларни чириш ҳолатига келтиради. Тупроқ ҳосилдорлигини камайтиради ҳамда заҳарли металлар тупроқнинг намли қатламларига сизиб ўтишига олиб келиши мумкин. Одатдаги ёмғир суви ҳам заиф кислотали эритмадир. Бу атмосферадаги карбонат ангидрид гази (CO_2) сингари табиий моддалар ёмғир суви билан реакцияга киришиши натижасида юз беради. Бунда кучсиз кўмир кислотаси ҳосил бўлади ($CO_2+H_2O<=>H_2CO_3$). Соф ёмғир сувининг кислоталик даражаси 5,6 — 5,7 га тенг бўлса-да, бир жойдаги ёмғирнинг ушбу кўрсаткичи бошқа жойникидан фарқланиши мумкин.

Бу, аввало, атмосферадаги газлар таркибига, яъни унда олтингугурт ва азот оксидлари мавжудлигига боғлиқ. 1883 йили швед олими Сванте Аррениус икки атамани — кислота ва асосни муомалага киритди. У сувда эриганда мусбат зарядланган эркин водород ионлари (H+) ҳосил қилувчи моддаларни кислоталар, манфий зарядланган эркин гидроксид ионлар (OH) ҳосил қилувчи моддаларни асослар, деб атади. Водород кўрсаткичи (pH) эритмадаги водород ионлари (H+) концентрацияси даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади, уни сувнинг кислоталилиги кўрсаткичи сифатида ҳам ишлатади. У 0 дан 14 гача бўлган шкалада белгиланади. 0 кислоталилик даражаси жуда юқори, 7 нейтрал, 14 ишқорли муҳитни англатади. Тоза сувнинг кислоталилик даражаси 7 га тенг.

Кислота ёмғири сув билан ҳавони ифлослантирувчи моддалар — олтингугурт ва азотнинг оксидлари реакцияга киришиши натижасида ҳосил бўлади. Ушбу моддалар атмосферага автомобиль транспорти, металлургия корхоналари ва иссиқлик электр станциялари ишлаши туфайли чиқарилади. Кислотали ёмғирларнинг салбий таъсири АҚШ, Германия, Чехия, Словакия, Голландия, Швейцария, Австралия ва бошқа кўплаб давлатларда яққол кўзга ташланади.

Кислотали ёмғирлар сув ҳавзалари, кўллар, дарёлар, кўрфазларнинг кислоталилик даражасини шу қадар ошириб юборадики, оқибатда улардаги флора ва фауна ҳалок бўлади. Кислотали ёмғирларнинг сув ҳавзаларига таъсири уч босқичга бўлинади. Биринчиси — бошланғич босқич сувнинг кислоталилиги ошиши (pH кўрсаткичининг 7 дан камайиши) билан сув ўсимликлари ўла бошлайди (натижада бошқа жонзотлар озуқадан маҳрум бўлади), сувдаги кислород миқдори камаяди, сув ўтлари (кўнғир-яшил) шиддат билан ривожлана бошлайди. pH 6 га тенг бўлганда, чучук сувда яшовчи креветкалар ҳалок бўлади.

Иккинчи босқич — кислоталилик 5,5 гача ошади, сув тагида яшаб органик моддалар ва баргларни чиритувчи бактерияларнинг кўпчилиги нобуд бўлади, оқибатда сув қаърида органик чиқиндилар тўплана бошлайди. Кейин сув ҳавзасидаги озуқа занжирининг асосини ташкил этувчи, органик моддаларнинг парчаланиши туфайли ҳосил бўладиган моддалар билан озиқланувчи митти жонзотлар — планктонлар ҳалок бўлади.

Учинчи босқич – кислоталилик даражаси 4,5 га етади, бу ҳолатда барча балиқлар, қурбақа ва ҳашоратларнинг аксарияти ҳалок бўлади.

Кислотали ёмғирларнинг сув ҳавзаларига таъсирига барҳам бериш орқали биринчи ва иккинчи босқичларда аҳволни ўнгласа бўлади.

Ҳавзаларнинг тубида органик моддалар қанчалик тўпланиб қолишига қараб улардан алюминий, кадмий, симоб ва қўрғошин сингари заҳарли металлар ажралиб чиқа бошлайди. Таркибида қўрғошин кўп бўлган сувни ютган ёки симобга тўйинган балиқни еган одамлар оғир касалликларга чалиниши мумкин.

Кислотали ёмғирлар қуруқликдаги ўсимликларга ҳам салбий таъсир қилади. Олимларнинг фикрича, бу муаммо кам ўрганилган. Лекин шундай бўлса-да, айрим таҳлиллар амалга оширилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кислотали ёмғирларнинг АҚШга етказадиган иқтисодий зарари шарқий соҳилда ўрмонлардан маҳрум бўлиш эвазига йилига 13 миллион долларни ташкил этиши ва аср охирига бориб бу рақам 1 триллион 750 миллиард долларга етиши мумкин.

Кўпгина олимларнинг фикрича, вазиятни яхшилашнинг ягона йўли атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилар миқдорини кескин камайтиришдир.

Кислотали ёмғирларнинг сайёрамизга етказаётган зарари кўлами ҳақидаги тасаввурингизни бойитиш учун қуйидаги мисолларни келтириш жоиз: Канадада 4 мингдан ортиқ кўл ўлик кўл, деб эълон қилинган, яна 12 минги эса ҳалокатга учраш арафасида турибди. Швециядаги 18 мингта кўлда биологик мувозанат бузилган. Норвегиянинг жанубий қисмидаги кўлларнинг ярмида балиқлар қирилиб битган. Германияда кислотали ёмғирлар таъсирида арчаларнинг ярмидан кўпи қуриган. Ачинарлиси, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадаги 10 миллион км² га яқин ҳудудга ёғадиган ёмғирларнинг кислоталилик даражаси 5 — 4,5 га тенг, туманларники эса 3 — 2,5 ни ташкил этади. Охирги йилларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг саноатлашган ҳудудларида ҳам тез-тез кислотали ёмғирлар ёғиши кузатиляпти.

1952 йили Лондонда кислотали туман тушиши туфайли 4 мингта ўлим қайд этилган. Азот диоксиди (NO_2) билан ифлосланган ҳаводан нафас олинганда, у қондаги гемоглобин билан ўзаро таъсирлашиб, орган ва тўқималарга кислород етиб боришини қийинлаштиради, юрак ва нафас олиш тизими касалликларини, астмани келтириб чиқаради. 1972 йилнинг февраль ойида айнан шу сабаб билан 70 мингдан зиёд киши касалланган, уларнинг кўпчилиги вафот этган.

— Кислотали ёмғирлар ва турли заҳарли газлар таъсирида ўсимлик ҳужайрасидаги катион ва анионлар мувозанати бузилади. Бунинг натижасида ўсимлик организмидаги физиологик жараёнлар, моддалар ва энергия алмашинуви бузилади, ўсиш ва ривожланиш жадаллиги кескин пасаяди. Тузга чидамли ўсимликлар ва таркибида эркин кальций, калий ва натрий ионлари кўп бўлган ўсимликлар атмосферадаги кислота ҳосил қилувчи газлар таъсирига ҳам чидамли ҳисобланади.

Шу боис шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда яшил ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ҳамда шаҳар ҳавосининг таркибини эътиборга олиш зарур, — дейди "Ботаника" илмий-ишлаб чиқариш марказининг ўсимликлар физиология ва биокимёси лабораторияси мудири, биология фанлари доктори, профессор, Карим Сафаров.

Кўриниб турибдики, табиатни муҳофаза қилиш, атмосферанинг тозалигига эришиш, шу орқали сайёрамизнинг флора ва фаунасини, инсоният саломатлигини, экологик хавфсизликни таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардандир.

Умид СОРИЕВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Адашганлар қисмати

Йўлини йўқотган қизлар

ёхуд телефон можаросидан бошланган жиноят

ДАВЛАТИМИЗ томонидан ҳар йили энг қутлуғ айём — Мустақиллик байрами муносабати билан амнистия эълон қилиниши анъанага айланган. Амнистия акти, айниқса, аёлларга ва вояга етмаганларга нисбатан кенг қўлланилиши бир қатор эзгу мақсад ва маъно-моҳиятга эга. Афсуски, айрим тўғри йўлдан адашганлар бундай бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларини суиистеъмол қилиб, ундан тўғри хулоса чиқармаётгани ачинарли.

"САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕЙДИ" деган ҳикматли гап Дилнавоз ва у сингари беномусликни ўзига касб қилиб олганларга нисбатан топиб айтилган.

Дилнавоз оила бахтини ахлоқсиз ҳаётга алмаштирди. 25 ёшида жиноятга қўл ўрди. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди томонидан айбдор, деб топилса-да, унинг аёллигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳисобга олган ҳолда, амнистия акти қўлланилиб, жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Лекин Дилнавоз бундан тўғри хулоса чиқариб олиш, фарзандининг келажагини ўйлаш ва аёллик номига муносиб бўлишга ҳаракат қилиш ўрнига, енгил-елпи ҳаётни афзал кўрди. Маънавий-ахлоқий тушунчалардан тобора йироқлашиб бораётган навқирон аёл ўғирлик ва талончиликдан ҳам тап тортмай қўйди.

...Ширакайф З.Бекмуродов бошқарувидаги машинада "ошиқ-маъшуқларнинг" ширин суҳбатини телефон қўнғироғи бузди. Шу онда Зокирнинг қўлидаги қимматбаҳо мобиль телефони Дилнавознинг хаёлини тортди. Қандай қилиб бўлмасин "эски мижози"нинг телефонини қўлга киритишга бел боғлади. Машина рулида бўлишига қарамай, ким биландир телефонда гаплашиб келаётган Зокир йўл қоидасини бузганлиги учун ЙҲХХ ходими томонидан тўхтатилди. Жарима расмийлаштирилаётган пайтда Дилнавоз унинг телефонини олиб, ички кийими орасига яширди. Зокир телефони йўқолганини эртасига кайфи тарқагач билди.

— Дилнавоз, тезда телефонимни қайтар. Биламан, сендан бошқа ҳеч ким олмаган. Акс ҳолда бошингга ит кунини соламан.

Бу каби дағдағаларни эшитавериб, бети қотган аёл наинки унинг айбловини инкор этди, балки қўпол сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Кечаги "улфатлар"нинг бир-бирига айтаётган сўзларидан "илон пўст ташлар эди". Бас келолмаган эркак қаҳру ғазабини ичига ютди.

...Термиз шаҳрида "тирикчилик" қилиб юрган Сабоҳат дугонаси Дилнавознинг таклифига кўра, унинг уйига кўчиб ўтди. Ўзидан анча ёш, бунинг устига чиройли қиз орқали мўмай даромад топиш илинжида Дилнавоз сахийлик қилиб, Сабоҳатга янги кийим-бош олиб берди. Аввалига дугоналарнинг ови бароридан келди. Бора-бора Сабоҳат ҳафталаб йўқ бўлиб кетадиган одат чиқарди. Айниқса, унинг ўзи мустақил "иш" қилаётганлиги Дилнавознинг ғашига тега бошлади.

— Кел, телефонларимизни алмаштирамиз. Қара, яп-янги. Сенникидан анча қиммат. — Дилнавоз қўлидаги матоҳни дугонасига кўз-кўзлади.

Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас Сабоҳат Дилнавоздан ўзининг телефонини қайтаришни сўради.

— Алмаштирган телефонингизни Зокир ака мендан олиб қўйди. Унинг айтишига қараганда, сиз ундан ўғирлаб олган экансиз.

— Бекорларни айтибди. Нега унга мендан берухсат телефонимни бердинг. Ҳозироқ қайтариб ол.

Дилнавоз унга уйидан жой берса-ю қиз бу "яхшилик"ка жавобан уни ўғрига чиқариши, айниқса, собиқ мижози билан яширинча "ош-қатиқ" бўлиб юрганлиги Дилнавознинг қонини қайнатди. Инсонийлик қиёфасини буткул йўқотиб, қизни ҳолдан тойганича дўппослади. Бу ҳам етмагандек, уни уйга қамаб қўйди. Кечқурун, "Жавлон" исмли кишини бошлаб келди-да, калтак зарбидан ҳали ўзига келмаган Сабоҳатни унга бир кечага сотди.

Эрталаб эса калтак зарбидан ҳали тўлиқ ўзига келмаган қизга ўз шартини қўйди:

— Биринчидан, бундан буён менга қарши бормайсан. Иккинчидан, мен нима десам, ўша ишни қиласан. Ахир, менинг уйимда текинга яшаб анча-мунча қарз бўлгансан. Унга телефон ҳаққини ҳам қўшсак, қарзинг янада кўпаяди...

Лекин қўшмачи аёл тўғри йўлдан тойган Сабоҳатни учинчи шартини бажаришга мажбур этолмади. Аниқроғи, улгурмади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан шум фаолиятига чек қўйилган Дилнавоз қилмишларига яраша жиноий жазога тортилди. Сабоҳат эса саёқ юриб топган ситамларидан энди ўзига тўғри хулоса чиқариб олса ажабмас.

Жамшид КАРИМОВ,
Термиз шаҳар прокуроринг катта ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бухоро вилоятида
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилоятида
Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўртачирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳрида
Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмазор туман 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида
Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал орасида 1 нафар
Хўжайли туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Андижон вилоятида
Жалақудуқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Андижон шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пахтаобод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилоятида
Когон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ромитан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилоятида
Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Навоий вилоятида
Зарафшон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилоятида
Янгиқўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилоятида
Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилоятида
Қувасой шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Марғилон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилоятида
Қибрай туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳрида
Мирзо Улуғбек туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Мирзо Улуғбек туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2011 йил 18 май)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма ј-1560. **Тиражи — 20788.** Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Сотувда эркин нархда
1 2 3 4 5